

Ўзбекистон Республикаси номидан
Х У К М

2019 йил июнь ойининг 26 куни жиноят Андижон туман суди Андижон тумани “Миробод” МФЙ маъмурий биносида, очик сайёр суд мажлисида, туман судининг судьяси А.Кенжабаев раислигида, судья ёрдамчиси Л.Юнисованинг котибалигида, тарафлардан давлат айбловчиси Андижон туман прокурори катта ёрдамчиси Ш.Нурова, жабрланувчининг вакили Н.О, судланувчи Т.А.А ва унинг ҳимоячиси “NUR ZIYO FEMIDA” адвокатлар ҳайъати адвокати Б.Тухтасиновнинг иштирокида Т.А.Ага нисбатан 1-1702-1903/81-сонли жиноят ишини кўриб чикди. Иш хужжатларига кўра:

Т.А.А, 1967 йил 16 февралда Олтинкўл туманида туғилган, Ўзбекистон фуқароси, ўзбек, маълумоти ўрта, оилали, 2 нафар фарзанди бор, муқаддам судланмаган, ишламаган, Андижон тумани, “Миробод” МФЙ, [REDACTED] да яшаган, эҳтиёт чораси тариқасида муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат қўлланилган, айблов далолатномаси нусхасини 2019 йил 4 июнда олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 277-моддаси 2-қисми “а” банди билан айбланган.

Суд, судланувчи, жабрланувчининг вакили ва гувоҳларнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши хужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Т.А.А 2019 йил 9 январь куни соат 11 ларда Андижон тумани, “Миробод” МФЙ ҳудудидаги кўчада, ўзига олдиндан таниш бўлган маҳалладоши Т.Худойбердиев билан у билан сўрашган вақтида юзига қараб сўрашмаганлик каби арзимаган баҳона билан ўзаро жанжаллашиб, жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасдан менсимасдан, жанжал вақтида Т.Худойбердиевнинг юз қисмига қўли билан уриб, унга соғлиғининг узок вақтга ёмонлашувига сабаб бўлган ўртача оғир шикаст етказиб, безорилик қилган.

Судланувчи Т.А.А судда айбига иқрорлик билдириб, 2019 йил 9 январь куни соат 11 ларда маҳалласидаги дўконга чиққанида дўкон олдида маҳалладошлари Т.Абдурахмонов, Х.Холиков ва Т.Худойбердиевлар гаплашиб турганини кўриб, уларнинг олдида саломлашиш мақсадида бориб, Т.Худойбердиев билан кўришмоқчи бўлганида у юзини орқа қилиб олгани, бундан жаҳли чиқиб, Т.Худойбердиевга одамга қараб сўрашишини айтганида Т.Худойбердиев

уни кўлидан ўзига тортгани, шунда уриб юборди деб ўйлаб, кўли билан Т.Худойбердиевнинг жағ соҳасига уриб юборгани, Т.Худойбердиев унинг орқа ёқасидан тортганида яна бир маротаба уриб юборгани, шундан сўнг Т.Худойбердиев уни ҳақорат қилиб, маҳалладоши Т.Абдурахмонов билан кетгани, уйга келганидан сўнг маҳалла раиси А.Қодиров уни идорасига чақириб, Т.Худойбердиев билан ўзаро яраштириб қўйгани, сўнг уйга кетгани, бироздан сўнг А.Қодиров унга Т.Худойбердиев шифохонага тушиб қолгани ҳақида айтгани, у билан шифохонага бориб, Т.Худойбердиевдан хабар олишгани, Т.Худойбердиев ундан моддий ёрдам сўрагани учун унга 300.000 сўм пул бергани, Т.Худойбердиев операциядан сўнг аҳволи оғирлашиб, 2019 йил 27 январь куни вафот этгани, марҳумнинг оиласига моддий ёрдам учун 2.300.000 сўм бергани, содир этган қилмишидан пушаймонлигини эътиборга олиб, енгиллик берилиши ҳақида кўрсатув берди.

Жабрланувчининг вакили Н.О судда, марҳум Т.Худойбердиевнинг кизи экани, 2019 йил 10 январь куни отасининг шифохонага тушиб қолганини эшитиб, уни кўргани борганида отаси дастлаб унга йиқилиб тушиб жароҳат олгани ҳақида айтгани, отасининг жағи сингани учун РШТИЁМ Андижон филиали шифокорлари операция учун йўлланма беришгани, операцияга тайёргарлик жараёнида отасини кўшниси Т.А.А урганини билгани, 14 январь куни отаси операция қилингани, отаси операциядан сўнг аҳволи оғирлашиб, жонлантириш бўлимига тушиб қолиб, 27 январь куни вафот этгани, отасининг вафоти оила аъзоларини чуқур қайғуга солгани, отасининг вафотига Т.А.А сабабчи деб ҳисоблаши, Т.А.А отасининг даволаниши учун сарфланган харажатлар учун 2.300.000 сўм пул бергани, дори-дармон учун харид қилганликни тасдиқловчи тўлов чекларининг барчасини сақлаб қолмагани, ўзида қолган чекларини тақдим этиши, шунга асосланиб, қопланмаган моддий зарарни ва маънавий зарар учун 30.000.000 сўмни ундириб беришни, Т.А.Ага эса қатъий жазо чораси тайинлашни сўраб, кўрсатув берди.

Гувоҳ Т.Абдурахмонов судда, марҳум Т.Худойбердиев унинг кўшниси бўлгани, 2019 йил 9 январь куни соат 12 ларда у билан кўшниси Х.Холиковнинг дўкони олдида туришганида Т.А.А келиб, у билан сўрашиб, Т.Худойбердиевга сўрашиш учун кўлини чўзгани, Т.А.А Т.Худойбердиевнинг унга эътибор бермасдан кўлини чўзганидан жаҳли чиқиб, Т.Худойбердиевга одамнинг бетига қараб сўрашишини айтиб, унинг жағ қисмига кўли билан уриб юборгани, Т.Худойбердиев унга сўрашганини айтиб, эътироз қилгани учун Т.А.А яна бир маротаба мушти билан унинг жағ қисмига уриб юборгани, шунда Т.Худойбердиевнинг оғзи қонаб кетгани, уларни ажратиб, Т.Худойбердиевни уйга олиб кетгани, бу ҳолатни маҳалла раиси А.Қодировга айтгани, А.Қодиров Т.А.Ани чақириб, уларни ўзаро муросага келтириб қўйгани, ўғли Т.Худойбердиевни шифохонага олиб боргани, шифохонада унинг жағи синганини айтишгани, 2019

йил

27 январь куни операциядан сўнг аҳволи оғирлашиб, вафот этганидан хабар топгани ҳақида кўрсатув берди.

Гувоҳ Х.Холиков судда, гувоҳ Т.Абдурахмоновнинг кўрсатувларига айнан ўхшаш кўрсатув берди.

Гувоҳ А.Қодиров судда, Андижон тумани “Миробод” МФЙ раиси экани, 2019 йил куни соат 12 ларда маҳалладошлари Т.А.А ва Т.Худойбердиевларнинг ўзаро жанжалидан хабар топиб, МФЙ идорасида уларни ўзаро яраштириб қўйгани, Т.Худойбердиев олган тан жароҳати юзасидан шикоят қилмаслигини билдиргани, Т.Худойбердиев шифохонага ётганидан сўнг Т.А.А билан бориб, ундан хабар олишгани, Т.Худойбердиев операциядан сўнг аҳволи оғирлашиб, вафот этгани ҳақида кўрсатув берди.

Суд-тиббий экспертизасининг 2019 йил 23 январдаги 298-сонли хулосасига кўра, Т.Худойбердиевда “пастки жағ суягининг икки томондан бурчак соҳасидан очиқ синиб силжиши, жағида тикилган жароҳатлари” аниқлангани, ушбу жароҳатлар соғлиқнинг узок вақтга ёмонлашувига олиб келган ўртача оғир тан жароҳатлари даражасига кириши;

2019 йил 27 январдаги 42-сонли хулосасида Т.Худойбердиевда чап ва ўнг пастки суякларини силжиб синиши маълум юза хусусиятига эга бўлган каттик тўмтоқ буюмлар таъсири натижасида етказилган бўлиши, етказилиш вақти қарорда ва тиббий хужжатларда кўрсатилган муддатга тўғри келиши мумкинлиги, одатда ушбу жароҳатлар соғлиқнинг узок муддатга бузилиши мезонига кўра ўртача оғир тан жароҳатлари даражасига кириб, аъзо ва тизимлар фаолиятининг давомийлиги уч ҳафтадан ортик бўлган муддатга вақтинчалик бузилишига сабаб бўлиши, бу жароҳатлар Т.Худойбердиевнинг ўлимига тўғридан-тўғри алоқадар эмаслиги кўрсатилган.

Судланувчи Т.А.Анинг айби юқоридагилардан ташқари жиноят ишида тўпланган бошқа далиллар билан ҳам исботланган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 277-моддасига кўра, жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасдан менсимаслик, уриш-дўппослаш, баданга енгил шикаст етказиш ёки ўзганинг мулкига шикаст етказиш ёхуд нобуд қилиш анча миқдорда зарар етказиш билан боғлиқ ҳолда содир этилган ҳаракатлар безорилик деб топилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2002 йил 14 июндаги “Безориликка оид ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида”ги Қарорининг 1-бандида безорилик жамоат тартибига қарши қаратилган жиноят бўлиб, жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасдан менсимасликда ифодаланган ҳаракатлар шахсни уриш-дўппослаш, унга енгил шикаст етказиш ёки ўзганинг мулкига анча миқдорда шикаст етказиш ёки уни анча миқдорда нобуд қилиш билан боғлиқ ҳолда содир этилиши, жамиятда юриш-туриш қоидаларини менсимаслик деганда, қонунларга, ахлоқ-одоб нормаларига, жамиятда мавжуд бўлган урф-одат ва анъаналар билан белгиланган жамоат тартибини қўпол тарзда бузиш тушунилиши, Қонун мазмунига кўра айбдор ўзининг ҳаракатлари билан

жамоат тартибини бузаётганлигини англаши лозимлиги, бунда мазкур хатти-ҳаракатлар билан жамоат тартибини бузиш ўртасида сабабий боғланиш бўлиши шартлиги, сабабий боғланиш аниқланмаган ҳолда қилмиш шахсга ёки мулкка қарши қаратилган жиноят деб баҳоланиши лозимлиги, 13-бандида шахс ўз хатти-ҳаракатлари билан айна вақтда жамоат тартибини бузаётганлигини ва жамиятга нисбатан очикдан-очик ҳурматсизлик қилаётганлигини ҳам яққол англаган бўлса, қилмиш безорилик сифатида квалификация қилиниши ва шахсга қарши жиноятларни назарда тутувчи моддалар билан қўшимча квалификация қилишни талаб этмаслиги ҳақида тушунтиришлар берилган.

Шунга кўра, суд судланувчи Т.А.Анинг жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасдан менсимасдан, жабрланувчи Т.Худойбердиевга ўртача оғир шикаст етказиш билан содир этган безорилик ҳаракатлари суриштирув органи томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 277-моддаси 2-қисми “а” банди билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарорининг 3-бандида жиноят кодексининг 8,54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши-ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинлашини, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларига мувофиқ бўлиши кераклиги ҳақида;

2000 йил 28 апрелдаги “Маънавий зарарни қоплаш ҳақидаги қонунларни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 7-сонли Қарорининг 2-бандида маънавий зарар, жумладан яқин қариндошини йўқотиш (ўлими) сабабли маънавий қайғуриш, ижтимоий ҳаётдаги фаоллигини давом эттира олмаслик, ишини йўқотиш, оилавий, тиббий сирларни ошкор қилиш, фуқароларнинг шаъни, кадр-қиммати ва ишчанлик обрўсига путур етказувчи ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотларни тарқатиш, ҳар қандай бошқа ҳуқуқларини вақтинча чеклаш ёки улардан маҳрум қилиш, етказилган зарар ёки соғлиққа бошқача зиён етказиш туфайли, жисмоний оғрик, соғлиққа бошқача етказилган ёхуд етказилган маънавий азоблар натижасида бошидан ўтказилган бошқа касалликларда намоён бўлиши мумкинлиги, 13-бандида маънавий зарарнинг миқдорини белгилашда судлар жабрланувчининг унга етказилган маънавий зарарнинг оғирлигига берган субъектив баҳосини, шунингдек даъвогарга етказилган маънавий ва жисмоний азобларнинг даражасини кўрсатувчи объектив маълумотларни, тажовуз қилинган объектнинг ҳаёт учун муҳимлиги, фойдаси (ҳаёти, соғлиғи, кадр-қиммати, шахсий эркинлиги, уй-жойнинг дахлсизлиги, катта қимматликка эга бўлган мулклар ва бошқалар), ҳуқуқбузарликнинг оғирлиги ва оқибати (яқин қариндошларининг ўлдирилиши, ногиронликка олиб келган тан жароҳати етказилиши, озодликдан маҳрум қилиш, ишдан ёки турар жойдан ва бошқалардан маҳрум қилиш), уялтирадиган нотўғри маълумотларнинг характери ва

уларни қанчалик даражада (доирада) тарқатилганлиги, жабрланувчининг яшаш шароитлари, шахсий хусусиятлари (хизмати, оилавий, маиший, моддий томонлари, соғлиғининг ҳолати, ёши ва бошқалар), зарар етказувчининг ва жабрланувчининг айб даражалари, зарар етказувчи шахснинг моддий аҳволи ва бошқа эътиборга молик ҳолатларни ҳисобга олишлари лозимлиги, маънавий зарарни қоплаш миқдорини белгилашда адолатлилиқ ва оқилоналиқ талаблари инобатга олиниши лозимлиги ҳақида тушунтириш берилган.

Суд, Т.А.Ага жазо тайинлашда содир этилган жиноят хусусияти ва ижтимоий хавфлилиқ даражасига кўра ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар тоифасига кришини, унинг айбига иқрор бўлиб, қилмишидан пушаймонлигини, муқаддам судланмаганини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб топиб, ЖКнинг 56-моддасида назарда тутилган жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд эмас деб ҳисоблаб, жабрланувчи вакилининг унга нисбатан қатъий жазо чораси қўллаш ҳақидаги талабини эътиборга олиб, унга қонун санкцияси доирасида озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлашни лозим топди.

Суд, жабрланувчининг вакили Н.Онинг судланувчидан дори-дармон харид қилганликни тасдиқловчи тўлов чеклари асосида қопланмаган моддий зарарни ҳамда жиноят оқибатида етказилган маънавий зарар учун 30.000.000 сўм ундириш ҳақидаги даъволарини муҳокама қилиб, такдим этилган тўлов чеклари асосида етказилган моддий зарарни 4.394.400 сўм баҳолаб, шундан 2.300.000 сўм қисми қопланганини эътиборга олиб, қопланмаган 2.094.400 сўм қисмини ҳамда судланувчининг содир этган қилмиши бевосита Т.Худойбердиевнинг ўлимига сабаб бўлмаганини эътиборга олиб, жиноят оқибатида етказилган маънавий зарарни 1.000.000 сўм миқдорида баҳолаб, судланувчидан 1.000.000 сўм маънавий зарар ундиришни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 462, 463, 465-468, 471-473-моддаларига амал қилиб, суд

Ҳ У К М Қ И Л Д И:

Т.А.А Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 277-моддаси 2-қисми “а” бандида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

Т.А.Ага Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 277-моддаси 2-қисми билан 1 (бир) йил 6 (олти) ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Озодликдан маҳрум қилиш жазоси манзил-колонияларда ўтатирилиб, муддати 2019 йил 26 июндан бошлаб ҳисоблансин.

Т.А.Ага қўлланилган эҳтиёт чораси ўзгартирилиб, дарҳол суд залида камоққа олинсин.

Жабрланувчининг вакили Н.Ога жиноят натижасида етказилиб, қопланмаган 2.094.400 (икки миллион тўксон тўрт минг тўрт юз) сўм моддий зарар ҳамда 1.000.000 (бир миллион) сўм маънавий зарар судланувчи Т.А.Адан ундирилсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан ўн сутка ичида, судланувчи ва жабрланувчининг вакили ҳукм нусхасини олган кундан эътиборан шу муддат ичида мазкур суд орқали жиноят ишлари бўйича Андижон вилоят судига апелляция тартибида, ҳукм қонуний кучга киргач кассация тартибида шикоят бериши ёки протест билдириши мумкин.

Раислик қилувчи

А.Кенжабаев